# Одобнома

*«ТАРБИЯ БИЗЛАР УЧУН Ё ҲАЁТ — Ё МАМОТ, Ё НАЖОТ — Ё ҲАЛОКАТ, Ё САОДАТ — Ё ФАЛОКАТ МАСАЛАСИДИР».*

*Абдулла АВЛОНИЙ*

**Шундай китоблар бўладики, улар юзлаб, минглаб йил ўтгач ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмайди. Ҳамма замонларда ёшу қари томонидан иштиёқ билан ўқилади. Абу Лайс ас-Самарқандий томонидан ёзилган «Бўстон ул-Орифин» («Донолар бўстони») китоби ана шундай асарлар жумласидандир. Қуйида ана шу асардан парча ўқийсиз.**

*Ибратли ҳикоятлар*

## ИЛМ ЎРГАНИШ ХИСЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Аллоҳнинг ердаги элчиси Расулуллоҳ айтмишларки, илм ўрганиш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарздур. Илм толиби учун борлиқ мавжудот, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам (ўз) гуноҳларини сўраб истиғфор айтадилар.

Илм ибодатдан афзалдур, чунки у динни тутиб турувчидир.

Билим олмоқ икки тоифага бўлинур, яъни, бири қалбан илмга ташналикдур, бу фойдали илмдур. Бундай илм эса киши ҳаётини то абад нурафшон қиладур. Иккинчи хилдаги илм эса фақат тилдагидур (яъни ўзини билағон қилиб кўрсатишдур). Бу тоифадаги толиблар Тангри ҳузурида банда (қул) бўлмоқликка далилдур...

ҲИКОЯТ:

Сангзор даҳасинда яшовчи бир савдогарнинг икки хизматкори бор эди. Бири кўпроқ маош оларди, иккинчиси озроқ. Иккинчиси биринчисига ҳасад қилар, доим тухмат тошини отарди.

Бир куни савдогар иккинчи хизматкорни саволга тутди:

— Нечун Солиҳга ғайри кўз ила қарарсан?

Хизматкор турмушидан нолинди. Маоши озлигига писанда қилди:

— Андин кўп юмушни бажарурмен, лекин маошим оз!

— Яхши, — деди савдогар ўйланиб, — бир вазифа юклармен. Ани кўнгилдагидек бажарсанг маошингни ўн ҳисса оширурмен.

Иккинчи хизматкорнинг юзига қизиллик югурибди:

— Буюринг.

— Карвонсаройга бор-чи, қайси элдин савдогарлар келибдур?

Хизматкор Сангзор карвонсаройига бориб, тезда қайтибди.

— Бугун тонгда Чин элидан савдогарлар келибдур.

— Қандай моллар келтирибдилар? — деб сўрабди савдогар.

Хизматкор ичида: «Э аттанг, шунисини сўрамабмен», дея яна карвонсаройга шошилибди.

Ва яна тезда қайтиб:

— Шойи газмоллар келтирибдилар.

— Нархи қандай экан... Қандай матоларга алмашиш ниятидалар? — дея яна саволга тутибди.

Шу тариқа хизматкор бир эмас, бир неча марта карвонсаройга борибди, бироқ хўжайинга қониқарли жавоб келтирмабди.

Кунлар ўтибди. Самарқанди азимга яна турли эллардан савдогарлар келадиган вақтда савдогар икки хизматкорини ёнига чақирибди ва биринчи хизматкорга: «Бор, карвонсаройга бориб, шароитни билиб кел, сўнг ҳузуримга иккингиз бирга кирингиз» — дея буюрибди.

Маоши катта хизматкор тезда қайтиб келибди. Иккиси яна ҳожалари ёнига киришибди.

Биринчи хизматкор борки тафсилотни, неча элдан неча карвон келганини, неча туя мол борлигини, нархи қандайлигини ва сифатини оқизмай-томизмай сўзлабди. Шунда савдогар иккинчи хизматкорга қараб:

— Энди бунинг маоши катталигини ва доим иззат-икромда эканлигини англагандурсан? — деб сўрабди.

Иккинчи хизматкор жавоб бермабди.

Савдогар:

— Ёшлигингда илм олмоқликка қунт қилмадинг. Қобилиятинг дуруст эрса-да, дангасалик қилдинг... Энди эрса ҳавою хоснинг ҳукмига итоат этмоқдан ўзга чора йўқ, — дебди.

Эй ўғил, ёшлигингда отанг илм олмоқ учун яратган шароитдан кўз юмма! Илм бир чироқдурким, сени роҳат ва фароғат салтанатига ҳеч бир заҳматсиз етказади.

Эй фарзанд, илм олмоқнинг фазилатлари кўпдирким, ҳаётинг фароғатда, юриш-туришинг ҳурмат ва иззатда бўлур.

Аллоҳнинг раҳматига сазовор фиқҳ илмнинг устози ўргатмишларким, илмнинг чеки бўлмагани каби, илм олмоқнинг ҳам поёни йўқдур.

Эй фарзанд, Аллоҳ ҳар бир қалбга илм гавҳарини солганким, бандасининг қунт-матонати, меҳнати давомида доим сайқал топур.

Фақиҳ Абу Толиб, Аллоҳ таоло андин рози бўлсин, икки шогирдига кўп меҳр қўйганди. Иккиси барча толиби илмлар орасида тиришқоқлиги, сабр-қаноати билан ажралиб турарди. Бир кун ёши каттароқ шогирд устозининг ҳузурига кириб:

— Устоз, менга рози-ризолик тилаб, фотиҳа берсангиз, — деди.

— Не боис, ўғлим? — сўради Абу Толиб.

— Отам савдогарлар билан узоқ юртга, олган билимларимни синамоқ истагида сафарга отланмоғимни буюрдилар.

— Маъқул. Олган билимларингиздан кўнглингиз тўқму?

— Ҳа, илми адабни мукаммал ўргандим. Ҳаётда бундан ортиғига не ҳожат!

— Юрак хоҳиши амри вожиб. Яна бир оз қолиб илми нужум, илми алжабрни ўрганмоққа тоқатингиз борму?

— Зарурат сезмасман.

Шундай қилиб, жанубий юртлардан бирига савдо карвони ила йўлга чиқибди. Етти кунлик йўлдан сўнг, чўл охирламай туриб, қуюн кўтарилибди. Еру кўкни қум тўзони тутибди. Толиби илм бошига салласини ўраб, жон сақлаш иштиёқида отдан ерга қулабди. Бир қанча фурсат ўтиб, тўзон тўхтабди. Йигит устини қоплаган қум бархани остидан чиққанида ҳар ерҳар ерда теваларни, шаҳид бўлганларнинг гавдасидан бўлак ҳеч нарсани кўрмабди. Шу пайтда ёрдам сўраган мунгли овоз эшитилибди. Йигит овоз келган қум барҳани томон шошилибди ва кафтлари билан қумни тўрт тарафга сурибди. Омон қолган мулозимини бархан остидан тортиб олибди. Нафасларини ростлаб олганларидан сўнг, мулозим ҳожасига қарабди.

— Не қилурмиз?

Йигит елка қисибди.

— Адашган сарбон одатда қуёшга, ойга, юлдузларга қараб мағриб машриқни белгилаган, — дебди мулозим. — Тақсир, сиз неча йил фақиҳ Абу Толибнинг таълимини олдингиз. Наҳот юлдузларга қараб йўл топа олмасангиз?

Йигит изза бўлибди.

Мулозим омон қолган тева ва отларни бир тизгинга боғлаб кун тарафга йўл солибди. Йигит унга эргашибди. Улар номаълум бир юртга бориб қолибдилар. Юрт аҳли йигитни савдогар деб ўйлабди ва харид шартларини сўрабдилар. Савдо-сотиққа нўноқлигини тан олгиси келмабди. Арзон-гаровга молларни сотибди. Бор-будини тиллага алмаштириб карвонсаройнинг бир хонасига қўнибдилар. Овқат вақтида мулозим:

— Менимча, молларни арзон-гаровга, яна озгина тиллога алмаштирдингиз. Наҳот, Абу Толиб алжабр асрорларини сизга ўргатмаган? — деб сўрабди.

Йигит устозининг сўзларини эслаб, баттар изза бўлибди. Шу тун уларнинг ҳамёнини ўғри олиб қочибди.

Оқибат у мулозимни ҳам сотиб бир кунини кўрибди. Охир-оқибат гадоликка рўпара бўлибди.

Йиллар ўтибди. Бир куни йигит шаҳарга келган карвон орасида таниш сабоқдошини учратиб, унинг ёнига борибди.

— Мени танимадингизми, ҳамюрт?

— Йўқ, танимадим. Кимсан?

— Эй биродар, наҳот Абу Толиб ҳазратлари паноҳида бирга таълим олган онларимизни унутдинг?

Меҳмон гадонинг кўзларига боқиб, уни танибди:

— Оға, нечун бу кунга тушдинг?..

— Аввал қорнимни тўйғаз.

Тамадди қилиб олгандан сўнг йигит уни бошига тушган фалокатдан огоҳ қилибди, сўнг:

— Қаерга кетяпсан? — деб сўрабди.

— Шаҳри мунавварага, илм олмоқликни давом эттирурмен. Устозимнинг истаклари шу.

— Ахир соқол-мўйлабингга оқ оралабди-ку, илм олмоқликни канда қилмассан?,.

—Илм ёш танламас.

Шундай, эй ўғил, билим мисол бир чашмадур. Уни сўнгги дақиқагача ич.

Дония ЗОКИРОВА
тайёрлаган.

*Нуқтаи назар*

## ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР

Ўрта мактабни битирган ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам олий ўқув юртларига киравермайди. Кимдир ишга, кимдир ҳунар-техника билим юртига, баъзилари аниқ бир ҳунар ўрганиш мақсадида шогирдликка тушади.

Аксарият қизларимизнинг ота-оналари, тезда узатсам, ташвишидан қутилиб бошдан оширсам дейди. Ҳали қизлар турмушга тайёр бўлмай, рўзғор ҳақида маълум тушунча, тажрибага эга бўлмай туриб оилали бўлганларида, табиийки турмушда қийналиб қолмоқдалар. Рўзғор ишларида иккинчи оилага мослашишда баъзи бир хатоликларга йўл қўйишмоқда.

Оила бузилишларининг асосий сабабларидан бири турмушга тайёр эмаслик билан бир қаторда рўзғор тебратишнинг ўзига хос хусусиятларидан бехабарликдир. Тўғри, мактабларда «Турмуш одоби» дарслари ўтилмоқда. Лекин, рўзғоршунослик сабоқларини ҳам ўргата бориш йўлга қўйилса хайрли иш қилинган бўлар эди. «Рўзғоршунослик» дарсларини ўқитиш мобайнида қизларимизни уй-рўзғор ишларида моҳирликка, оқилаликка, саранжом-саришталикка ўргатиб бориш, одамийликнинг қиз ва аёлларга хос хусусиятларини сингдириш, харид ишларига ўргатиш, оила бюджетидан унумли фойдаланиш йўриқлари, бозор иқтисодиётида режали иш олиб бориш ва бошқа ҳаётий сабоқлар бериб борилади. Айниқса дарсларга ёши улуғ онахонлар, намунали уй бекалари таклиф этилиб уларнинг турмуш тажрибалари намуна қилиб кўрсатилса фойдадан холи бўлмас эди.

Ҳаётий заруриятга айланаётган «Рўзғоршунослик» дарслари қизларимизнинг рўзғор бошқаришида, тинч-тотув яшашида ва оилавий бахтга эришишида ўз ҳиссасини қўшади.

Раъно АҲМЕДОВА,
олий тоифали ўқитувчи.



*Дунёда дийдордан азизроқ нарса йўқ бўлса керак. Шу сабабдан ёру биродар, қадрдонлар кўришганда юзларида қувонч барқ уради.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Инсонийлик фазилатлари*

## ҒУРУР ДИМОҒДОРЛИК ЭМАС

Ғурур — инсоний хислатлардан бири. Лекин уни димоғдорлик деб тушунмаслик керак. У ифтихор туйғусидир. Ғурурланиш мақтаниш ҳам эмас,еккайиш ҳам, балки фахрланишдир. Инсонийлик фазилатларини эъзозлаш, авайлаш, қадрига етиб ёшларга юқтириш ҳам савоб. Бизни ғурурлантирадиган туғён жамиятимиз одиллиги ва мустақилликка чиққанимиздир. Ўзбекистоннинг ғурурланадиган тарихи бор. Юртимизнинг номи ифтихор билан жаранглайди. Шу билан бирга биз дўстларимизнинг муваффақиятлари, зафарларидан фахрланамиз.

Ғурурли кишилар мард, ғайратли, шижоатли бўладилар. Улар ор-номусли, ўзининг ва бошқаларнинг қадрига етадиган кишилардир. Улар ҳар қанақа бачканаликдан, инсонийликни ерга урадиган қусурлардан ҳолидирлар. Улар бутун куч-қудрати, билими ва онгини халққа, Ватанига бағишлайди.

Истеъдодли кишиларда ғурур яна ҳам мазмундор жаранглайди. Шоир ва ёзувчилар ўз мисраларида ғурурни тараннум этсалар, мусаввирлар бўёқлар таъсирида баён қиладилар. Демак, ғурурланиш ҳам тарбиялашни, сайқал бериб боришни тақозо этади.

Димоғдорлик бу ғурурланишнинг бутунлай акси бўлиб ўта ёмон хусусиятдир. Бу инсон ўзига-ўзи маҳлиё бўлиб, ўзини бошқалардан устун қўйишда намоён бўлади. У қайси кўринишда содир бўлмасин, инсонийликни ерга уради. Димоғдорлик, айниқса кеккайганда ошкора кўринади. Кеккайганлар бу билан ўз обрўйини тўкишаётганини билишмайди. «Кўпчилик ичида ўзини каландимоғ тутиб, кеккайган одам, — деган эди алломалардан бири, — агар у ҳурмат қилишларини истаётган бўлса, айни шу истагига зид натижага эришади». Кеккайиб обрў топган кишини ҳеч бир тарих билмайди. «Камтарлик — камолга, манманлик заволга етказади», деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Шу дардга чалинганларнинг тузалиши қийин. Ўзини ҳамма нарсага қодир, билимдон, доно ҳисоблаб, бошқаларни менсимайдиганлар ҳам эл назаридан қолиб атрофдагиларнинг нафратига дучор бўлади. Шунинг учун бўлса керак: «Киши шахсини ерга урувчи иллатдан энг қабиҳи ва нафратга лойиғи, — деб ёзган эди инглиз ёзувчиси Уильям Теккерей, — ўзига-ўзи маҳлиё бўлишликдир». Ўзига ўзи маҳлиё бўлган димоғдорлар шундай бир ярамас иллатга мубтало бўладиларки, улар гўё шарга ўхшайди, баландлайверади, бир кун «пақ» этиб ёрилади. Яна бир хунук томони шундаки, улар бошқаларнинг ютуқларини тўғри баҳолай олмайдилар. Ўзларининг зиғирдаккина муваффақияти атрофида ўралашиб қоладилар. Дарҳақиқат, киши қанчалик қобилиятли, ақлли, ўқимишли, ажойиб истеъдод эгаси, ҳатто қалби тоза инсон бўлмасин, агар у ортиқча гердайса унинг юқоридаги барча фазилатлари камчиликка айланади.

Биз турмушда билимдон, зийрак, қобилиятли кишиларни кўп учратамиз. Аммо, уларнинг ноўрин гердайиши инсон фазилатларини ерга уриб, кенг жамоатчилик олдида обрўсизлантириб қўяди.

Ҳаётнинг ўз тошу тарозуси бор. Шуниси аниққи, димоғдорлик, кеккайиш ва ўз-ўзига маҳлиё бўлиш каби иллатлар турмуш синовида ўзининг аниқ баҳосини олган. «Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама», дейди доно халқимиз. Гердайиб, димоғи шишиб, атрофдагиларни писанд қилмасларни ҳеч ким менсимайди, эл эътиборидан қолади. Лекин жамиятимиз покланаётган, мустақиллик шабадалари эсаётган ҳозирги даврда ғурурланишнинг, фахрланишнинг янгидан-янги томонлари жилоланиб, мавжланаяптики, унинг ёқимли эпкинлари ҳузур-ҳаловат бағишлайверади.

Мусоқул УСМОНОВ,
профессор.

*Ҳурмат — эзгу амал*

## ФАРЗАНД БУРЧИ

Она замин, она табиат бўлмаса инсониятнинг ёки барча тирик мавжудотнинг бўлиши мумкин эмас. Одамлар она замин бағрида туғилади, умр кечиради, бола-чақа орттиради. Узоқ йиллар ҳаёт завқини тортади. Ўз ғояси учун курашади, умри тугагач эса яна она замин қўйнига қайтади.

Инсониятни ўз бағрида кўтариб, унга ҳаёт бериб турган заминни улуғлаш учун одамлар бисотидаги энг улуғ сўзни — «Она» сўзини қўшиб ишлатади ва она замин деб атайди. Ҳа, одамлар бисотидаги энг улуғ сўз Онадир.

Она борки, олам бор. Она борки, одам бор. Она борки, Ватан бор. Она борки, ҳаёт бор. Рус адиби М. Горький қуйидагиларни ёзиб қолдирган эди: «Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт йўқ, аёлсиз муҳаббат йўқ. Онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди. Меҳри чексиз, бутун дунёни кўкраги билан боққан аёл — Онани шарафлайлик! Инсондаги бутун гўзаллик, ҳатто қуёш нури ҳам она меҳридан».

Она фарзандлар учун энг яқин, энг меҳрибон инсон. Оналаримиз учун биз ҳар доим боламиз, унинг меҳрига, ширинсухан сўзларига доимо муҳтожмиз. Оналар ширин сўзини, туганмас меҳрини, қалб кўрини бериб муштдек этдан бутун бир инсон яратганлар. Кўзининг нурини, сочининг қорасини, ёшлик ҳуснини фарзандларига бериб, орзу-ҳавасларининг ўғил-қизлари ижросида ушалишини ният қилганлар.

Инсониятнинг авлодлар оқимида отанинг ўрни, вазифаси беқиёсдир. Фарзандлар жисмида оталар қони, оталар жисми давом этади. Ҳар бир ота фарзанди сиймосида ўзининг ёшлигини, умрининг баҳорини ва орзу-ҳавасини кўришни хоҳлайди.

Ота! Бу сўз фарзандлар қалбида меҳру муҳаббат тўла оҳанг билан отилиб чиқади, миллион-миллион тилларда такрорланади.

Ота — оила ва фарзандлар ташвишини кўтариб кетаётган улкан карвон, бутун умри меҳнат билан ўтиб оила дастурхонини ноз-неъматларга тўлдираётган қадоқ қўлли деҳқон.

Ота — оила тарбия мактабининг мураббийси. Оила аъзоларининг маънавий оламида отанинг дунёқараши, муомала маданияти, иймон-эътиқоди асосий йўналишни ташкил қилади.

Ота — оила билан жамиятни боғлаб турувчи маънавий ип, оила аъзоларини жамият қонун-қоидаларига мос руҳий тарбияловчи мураббий.

Ота! Бу — улуғ ном. Уни оқлаш, оталик бурчини бажариш ҳамма эркаклар учун шарафли. Фарзанд тарбиясида оталарнинг ибрат бўлиши яна шарафли. Табиийки, фарзанд тарбияси ота обрўсидан ибрат олишдан бошланади. Ҳамма оталар ҳам болаларига ибрат тарбиясини бера олади, деб бўлмайди. Аммо дунёга келган фарзандни тарбиялаш, вояга етказиш учун ота деган номнинг ўзи етгулик эмас, унда мукаммал бурч ҳам бўлмоғи керак.

**Оила қувончи, фарзандлар бахти,**
**Қоядай бардошли, заҳматкаш, доно.**
**Оталар — ҳаётнинг чинор дарахти.**
**Қуёш меҳрингизга дилдан тасанно.**

Оила — кичик жамоа. Бу жамоа фаолиятида ота-онанинг вазифаси ва обрўсини, мавқеини ва фарзанд тарбиясига таъсир кучини чегаралаб бўлмайди. Ҳар иккаласи ҳам муқаддас, буюк. Алишер Навоийнинг машҳур тўртлигида фарзандлар учун ота-она ҳақида айтилган гап фикримизнинг исботи бўлади.

«Қобуснома» муаллифи Кайковус ҳам ота-онани ҳурмат қилишга чақиради. Ота-она ўз фарзанди учун «ўлимга ҳам тайёр» турушини таъкидлайди. Айни замонда ота-онанинг кўнглини ранжитмасликка, уларни ҳурмат қилишга ва ширин сўзлар билан муносабатда бўлишга ундайди. Кайковус бир томондан болани ота-онани ҳурмат қилишга, уларни ранжитмасликка чақирса, иккинчи томондан ота-онани болага яхши ва тўғри тарбия беришга ундайди. Айни замонда муаллиф ота-онани ҳурмат қилишни фарзанднинг ақли доно, ўқиган бўлиши билан боғлайди ва: «Ҳар бир фарзандки оқил ва доно бўлса, ота-онанинг меҳр-муҳаббатини адо этишдан бош тортмагай», — дейди. Шунингдек, Кайковус ота-она ҳаққини билмоқ хусусида ғоят муҳим бир фикрни баён қилади, яъни у ўзбек ва тожик халқининг «Нима эксанг, шуни ўрасан» деган машҳур бир мақолини ишлатади. Бу мақолнинг асли маъноси шундан иборатки, киши одамларга яхшилик қилса, катталарга ҳурмат, кичикларга мурувват кўрсатса, унинг бу яхшилиги бошқа кишидан қайтади ва аксинча, агар у одамларга ёмонлик, дилозорлик қилса, бу ҳам бошқалардан қайтади.

Ота-она фарзандини катта орзу-умидлар билан вояга етказади. Емай едириб, киймай кийдириб, ардоқлаб ўстиради. Катта бўлганда қоқилмасин деб ўқитади, ҳунарли қилади. Фарзандини хушхулқ бўлишга даъват этади, ёмон йўлга кирмасин деб орзу қилади. Бўйга етганда бахтини ўйлайди, ниҳоят, қизини тенгига узатиб, ўғлини муносибига уйлаб кўнгли тинчийди. Шу зайлда кексайиб қолганини билмайди.

Ота-она ҳурматини жойига қўймоқ фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қобил фарзанд ота-она шуҳратини кўтарадиган ишларга қўл уради, уларни ранжитадиган нарсалардан ўзини тияди. Ҳар қандай ишга қўл уришдан аввал ота-она ризолигини олишга интилади.

Ота-она ризолигини олган фарзанд ҳаётда қоқилмайди.

Болаларидан тинчиган, оқибат кўрган ота-она кексалигини ҳузур-ҳаловатда ўтказади. Болалари паноҳида пири-бадавлат яшайди.

Бироқ, ҳар тўкисда бир айб деганларидек, ота-онанинг бола деб тортган машаққатини қадрламайдиган айрим ноқобил, кўрнамак фарзандлар ҳам учраб туради. Уларнинг тушунчасида бу «машаққатлар» шунчаки ота-она вазифаси эмиш. Тўғри, фарзанд кўргач, уни боқиш, келажаги учун қайғуриш, катта бўлганда уйли-жойли қилиб қўйиш ота-онадан лозим. Фарзандни дунёга келтириб, бир парча этни тарбиялаб вояга етказган ота-онанинг ҳам ўз орзу-ҳаваси бор-ку! Ҳар бир инсон яхши ният билан уй-жой қилади, бола-чақа боқади. Унинг ҳузур-ҳаловатини кўрсам, қариганда таянчим, қувончим бўлса дейди.

Қариялар, катталар ҳузурида одоб сақлаш, қўлни кўкракка қўйиб омонлашиш, четга ўтиб йўл бериш, уйнинг тўрига ўтказиб хизматларида бўлиш, сув тутиб қўл ювдириш, сочиқ бериш, оёқ кийимларини ювиб қўйиш, чой, овқатнинг олдини уларга узатиш, кирганда-чиққанда «Хуш кўрдик», «Қуллуқ», «Отахон» (онахон) бизга хизмат борми?» деб кўнглини хушлаш, дуоларини олиш, насиҳатларини жон қулоғи билан тинглаш керак. Ёшлар кексаларни, ёши улуғларни сийлаб, хушмуомалада бўлиб, хизматларини бажонидил қилсалар бундан ўзларига ҳам, ота-оналарига ҳам катта манфаат етказган бўладилар.

Хулоса шуки, ҳар бир фарзанд ота-бобо, момолардан қолган юқоридаги сингари панд-насиҳатларга қулоқ бериб, ундан ўзларига тегишли хулосалар чиқарсалар нур устига аъло нур бўларди.

Шунинг учун, эй, суюкли ўғил, қизларимиз, сизнинг дунёга келишингизга сабабчи бўлган, тарбиялаб ўстирган ота-онангизнинг ҳақларини ҳеч камчиликсиз адо қилинг, иззат-ҳурматларини бажо келтиринг. Уларнинг хизматларида бўлиб, розиликларини олинг. Аччиқ сўзлар сўзлаб дилларини оғритишдан сақланг, уларга бўлган муҳаббатингизни тил билан ва бошқа ишлар билан изҳор қилинг. Насиҳатларини бажонидил қабул қилиб амалда кўрсатинг. Қўпол муомала қилманг, муборак дилларини оғритманг. Ота-онангизнинг маслаҳатлари ва ризоликларини олмасдан ҳеч бир ишга киришманг.

Ойшахон ТЎРАЕВА,
профессор.

*Шарқ тафаккури сарчашмалари*

## АДАБ БИЛАН ТОПАСИЗ ИЗЗАТ

Ҳаётда одам ким бўлишидан қатъи назар, у одамлар билан мулоқотда, муносабатда бўлади. Улар ўзаро мулоқот қилмай яшай олмайдилар. Бу — ҳаёт қонуни. Лекин жамиятда турли хил феъл-атворли кишилар яшайди. Бинобарин ҳамманинг ўзига яраша ҳаёт ҳақидаги тушунчаси бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаёт мураккаб. Бироқ турмуш инсон хатти-ҳаракатларининг маълум чегарада, маълум меъёрда бўлишини тақозо қилади. Ана шу талабни, чегарани таъминловчи муносабатни одоб дейилади.

Одоб — хулқ-атвор, юриш-туриш маданиятининг ташқи ва ички жиҳатларини ўз ичига олади. Одоб — кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қандай муомала қилиши, ўз ҳаётини ва бўш вақтини қандай ўтказиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига оид қоидалар (масалан, шарму ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик, поклик-озодалик кабилар)ни ўз ичига олади. Одоб-таълим-тарбия ва амалий тажриба негизида шаклланади.

Одоб ва ахлоқ қоидаларига тўла амал қилиш инсонларнинг ўзаро ҳурмат-эҳтиром билан тинч-тотув яшашларини таъминлайди. Одоб ва ахлоқ қоидаларига аҳамият берилмайдиган оилада беандишаликлар, бебурдликлар ва бошқа ҳар хил кўнгилсизликлар юзага келади. Меҳр-оқибат кўтарилади, ҳаёт издан чиқиб боради. Одобсизликлар туфайли катталар кичиклардан, ота-оналар фарзандларидан озор чекади. Яхшилик ўрнини, ёмонлик, диёнат ўрнини хиёнат эгаллай бошлайди. Қайси мамлакатда одоб ва ахлоқ қоидаларига яхши эътибор берилса, шу жойда ҳаёт фаровон, кишиларнинг руҳи тетик бўлади, ишлари бароридан келади. Бунинг учун кичик бир жамият юқорида айтганимиздек яъни оилани мисол келтириш мумкин. Агар оилада одоб ва ахлоқ қоидаларига барча оила аъзолари яхши амал қилсалар ота-онадан тортиб фарзандларгача меҳр-оқибатли, шафқатли, шарм ҳаёли, хуллас хуш ахлоқли кишилар бўлсалар, бундай оилада тартиб-интизом, саранжом-сариштлик, гўзал ҳаёт ҳукм суради. Кичиклар катталарни ҳурмат қилади, фарзандлар эрта тонгда юз-қўлларини ювиб ота-оналарига салом беришади, кундалик фаолиятларини яхши кайфият, кўтаринки руҳ билан бошлашади. Одобли оилаларда ҳеч ким, ҳеч қачон қуёш чиққунча ухламайди, ўринларидан барвақт турадилар. Бунинг эса кўп хосияти бор. Саҳар турганга Аллоҳ Таоло ризқ улашади. Саҳар турганнинг ризқи улуғ бўлади. Чунки эрталаб қилинган иш унумли бўлади, кўпроқ барака келтиради. Эрталабки меҳнат кишини ҳам руҳий, ҳам жисмоний тетик қилади.

Одоб қоидаларини Шарқда қаттиқ ушлаганлар. Эшикни қаттиқ ёпиш, оёқ билан тепиб очиш, остонани босиб туриш, остонада ўтириш, эшик кесакисига суяниш, баланд овоз билан гапириш, бировга беҳаёларча тикилиш, оёқ устига оёқни қўйиб ўтириш кабилар беодоблик ҳисобланган. Ўтмишда оилада фарзанд тарбиясига, уларнинг одоб-ахлоқига алоҳида аҳамият бериб келинган. Агар оилада ўғил туғилса уни жасур, жисмонан бақувват, илму одобли бўлиб етишишга, бирон бир касбнинг меҳр устаси бўлишига шароит яратилган.

Қиз болаларга ҳам илм ва ҳунар ўргатилган. Айниқса, уларнинг одоб ва ахлоқига биринчи даражали вазифа сифатида қаралган. Қиз бола катталар билан сўзлашганда юзига тик боқмасдан ҳаё ва иффат билан мулойим сўзлашмоғи, эшик-ҳовлиларни барвақт туриб супуриб-сидириши, ота ва акалари олдида яланг бош юрмаслиги, уйда бетоб одам ёки кекса киши бўлса, уларнинг тинчини бузмаслик учун шанғиллаб гапирмаслиги ўргатилган.

Ислом олами учун муқаддас бўлган Қуръони Карим суралари ва оятлари, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари негизида шарқона одоб ва ахлоқ қонун-қоидалари бой миллий меросга айланди. Биз собиқ шўролар тузуми даврида Шарқда яртилган одоб-ахлоқ ҳақидаги бебаҳо асарларни четга суриб қўйдик. Мустақиллик шарофати туфайли эндиликда мактабларда одобнома дарсларида «Қуръон» ва «Ҳадис» китобларидаги ибратлардан фойдаланилмоқда. Булардан ташқари Кайковуснинг «Қобуснома», Имом Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Муҳаммад Содиқ Қашқарийнинг «Яхши кишилар одоби», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Конфуцийнинг ҳикматлари, ҳиндларнинг ибратли ҳикоятлари асосида яратилган «Калила ва Димна» асарлари ўқувчиларнинг севимли китобларига айланиб қолди. Айниқса, Аҳмад Яссавий ҳикматларини, Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» асарларини ўқувчилар мароқ билан ўқимоқдалар.

Европа халқлари орасида «Шарқ тафаккури» деган ибора ишлатилиб келинади. Бу иборада жон бор, чунки дунё маданияти, фани, тараққиёти, қолаверса, педагогикасида Шарқнинг таъсири катта бўлган, Шарқ алломаларининг асарлари Европа ва жаҳон тилларига таржима қилинди, Шарқ илм-фани, одоби, маданияти жаҳон олимларининг илҳом манбаи бўлди. Буюк алломаларимиз Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Ал-Форобий, Умар Хайём, Конфуций, Имом Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Навоий, Бобур, Улуғбек, Муҳаммад Қашғарий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий ва бошқа кўплаб улуғ зотлар фан оламининг ёруғ юлдузлари бўлиб, ақл, одоб ва илмда бутун олам тан олган инсонлар бўлиб қолдилар. Уларнинг асарлари маънавиятимизни бойитишда бебаҳо гавҳардир.

**Адаб билан инсон иззат топади,**
**Обрўю шарафу хизмат топади.**
**Адаб соҳиби-ла сўзлашган киши,**
**Руҳига дармону лаззат топади.**

Баҳриддин ТУРҒУНОВ.

